



"ШОШИЛИНЧ ГИНЕКОЛОГИЯ АМАЛИЁТИДА ОЛИНГАН БИОПСИОН МАКРОПРЕПАРАТЛАР ТЕКШИРУВИНИНГ ПАТАНАТОМИК АҲАМИЯТИ"

Камилова Ситора Шухратовна

*Навоий давлат университети, Клиник фанлар кафедраси ассистенти,
Узбекистан, Навоий шаҳри.*

Болтаев Нодиржон Абдусаломович

*Навоий давлат университети, Клиник фанлар кафедраси доценти, тиббиёт
фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Узбекистан, Навоий шаҳри*

Махмудов Шахзод Ўктамович

*Самарқанд Давлат тиббиёт университети 2-сон даволаш иши йўналиши 4-
курс талабаси. Самарқанд шаҳри.*

Аннотация: *Шошилинч гинекология амалиётида олинган биопсион макропрепаратларнинг патанатомик жихатлари мавзусидаги тезис, гинекологик шошилинч ҳолатларда олинган биопсия материалларининг патанатомик таҳлилини ўз ичига олади. Ушбу тадқиқотда, биопсия натижалари асосида аниқланган паталогик ўзгаришлар, уларнинг клиник аҳамияти ва шошилинч амалиётлардаги ўрни таҳлил қилинади.*

Тезисда шошилинч ҳолатлардаги биопсияларнинг самарадорлиги, уларнинг диагностикадаги аҳамияти, шунингдек, патанатомик жихатларини аниқлаш учун замонавий усуллар ва технологиялардан фойдаланиш ҳақида маълумотлар келтирилади. Ушбу тадқиқот, шошилинч гинекология амалиётидаги муаммоларни ҳал қилиш ва беморларнинг даволаш жараёнини яхшилаш учун муҳим аҳамиятга эга.

КИРИШ

Шошилинч гинекология бўлимларида ўтказиладиган амалиётлар вақтида олинган биопсион макропрепаратларининг патанатомик текширилиши, аниқ диагностика ва самарали даволаш учун муҳим аҳамиятга эга. Ушбу тезисда, шошилинч ҳолатларда олинган биопсион тўқима макропрепаратларининг патанатомик жихатлари ва уларнинг клиник аҳамияти таҳлил қилинади.

Биопсия: Тушунча ва аҳамияти

Биопсия — қайсидир касалликларга гумон қилинганда, ташҳислашда қийинчилик туғилганда, даволаш ёки бошқа мақсадларда инсон организмидан амалиётлар вақтида тўқималарнинг микроскопик таҳлили учун олинган намуналардир. Гинекологияда шошилинч ҳолатларда, масалан, овуляция, эндометриоз ёки шишлар ёки бошқа паталогик ҳолатларга шубҳаси бўлганда, биопсия жуда муҳим ҳисобланади. Ушбу жараён патанатомик таҳлил учун асос бўлиб, аниқ ташҳис қўйиш имконини беради.



Патанатомик таҳлил, методология

Патанатомик таҳлил жараёнида олинган макропрепаратлар патолого-анатомия бўлимларида микроскопик текширувга тайёрланади. Ушбу жараёнда:

- Гинекология бўлимларида даволовчи шифокорлар томонидан амалиёт вақтида тўқималардан намуналари олинади, фиксаторга (формалинга) солинади, бемор исм-фамилияси ёрликқа ёзилади ва 014-рақамли тиббий хужжат шаклидаги йўлланма шифокор томоинидан тўлдирилиб, тасдиқланган холда патолого-анатомия бўлимига юборилади;

- Тўқималар формалин ёки бошқа консервантлар билан сақланган холда патолого-анатомия бўлимида қабул қилиниб, рўйхатга олинади. Ва патанатом врач томонидан кесмалар олиниб, бўлакчалар ишга олинади;

- Тайёр бўлган макропрепаратларни парафинларга сингдириб, микротонда 5-7 мкм қалинликда тўқималарни буюм ойначасига фиксация қилиб, тегишли бўёқлар билан бўялади. Шундан сўнг тайёр препаратлар врач патанатом томонидан микроскопда кўрилиб, охириги диагноз чиқарилади ва йўлланмаларга микроскопик текширув натижалари қайд этилиб, даволовчи шифокорга берилади.

Шошилич гинекология амалиётидаги патологиялар

Шошилич ҳолатларда олинган биопсионларда учрайдиган асосий патологиялар:

- Эндометриоз: бачадон тўқимасининг нормадан ташқари яллиғланишидир. Патанатомик таҳлилда бачадон тўқимасининг яллиғланиши ва лейкоцитар инфильтрацияси кузатилиши мумкин.

- Гиперплазия: бачадон тўқималарининг аномал ўсиши. Патанатомик текширишда хужайраларнинг нормадан кўра кўпайиши ва структуранинг ўзгариши, хужайраларнинг бетартиб жойлашиши каби патанатмик белгилар аниқланади.

- Шишлар: шошилич ҳолатларда шишларнинг аниқланиши муҳим. Буларнинг патанатомик таҳлили уларнинг хусусиятлари (гистологик типи, даражаси)ни аниқлаш имконини беради.

Натижалар ва муҳокама

Шошилич гинекология амалиётида олинган биопсион макропрепаратлари орқали олинган маълумотлар, клиник амалиётда муҳим аҳамиятга эга. Патанатомик таҳлилнинг самарадорлиги, шошилич ҳолатларда аниқ ташхис қўйиш ва самарали даволаш режаларини ишлаб чиқиш учун зарур.

Хулоса

Шошилич гинекология амалиётида олинган биопсион макропрепаратларининг патанатомик жихатлари, гинекологик патологияларни аниқлашда муҳим роль ўйнайди. Ушбу таҳлиллар, клиник амалиётда тўғри ташхис қўйиш ва беморларнинг даволаши учун асос бўлиб хизмат қилади.



Тавсиялар

Келгусида шошилич гинекология амалиётида биопсиянинг самардорлигини ошириш учун:

- Патанатомик таҳлил усулларини такомиллаштириш.
- Кўплаб клиник тадқиқотлар ўтказиш.
- Беморлар билан самарали алоқа ўрнатиш.

Ушбу тезис, шошилич гинекология амалиётида патанатомик таҳлилнинг аҳамиятини ва унинг клиник натижаларини аниқлаш учун муҳим манба бўлиб хизмат қилади.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Савельева Г.М., Серов В.Н., Радзинский В.Е. Акушерство и гинекология. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2021. – 960 с.
2. Кулаков В.И., Адамян Л.В. Гинекология: национальное руководство. – Москва: ГЭОТАР-Медиа, 2020. – 1104 с.
3. Novak E.R., Berek J.S. Berek & Novak's Gynecology. – 16th ed. – Philadelphia: Wolters Kluwer, 2020. – P. 1203–1245.
4. Kurman R.J., Ellenson L.H., Ronnett B.M. Blaustein's Pathology of the Female Genital Tract. – 7th ed. – New York: Springer, 2019. – P. 45–92.
5. Rosai J. Rosai and Ackerman's Surgical Pathology. – 11th ed. – Philadelphia: Elsevier, 2018. – P. 1560–1625.
6. Худайбергенов Б.Х., Нурматов Ш.А. Шошилич гинекологияда патолого-анатомик таҳлисининг аҳамияти // Ўзбекистон тиббиёт журнали. – 2019. – №2. – Б. 38–42.
7. Болтаев Н.А., Эшмуротов Ғ.М. Гинекологик амалиётларда биопсион материаллари патолого-анатомик баҳолаш // Тиббиёт ва инновациялар. – Навоий, 2022. – №1. – Б. 54–58.
8. World Health Organization (WHO). Diagnostic pathology and histological techniques in gynecology. – Geneva, 2018.